

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Ипак йўлида туризм" ХХ Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси ўтказилмоқда. БМТ-нинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган кўргазмада дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан 300 дан зиёд компания иштирок этмоқда. Кўргазма дастуридан турли семинарлар, тақдиротлар, матбуот анжуманлари, танловлар, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Яқинда эса "Энг яхши иштирокчи" лойиҳаси доирасида голиблар аниқланади.

Кўргазма юртимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг тарғиб қилиш, хорижлик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш ҳаракатининг мантикий давоми дейиш мумкин. Тадбир давомида мамлакатимизга сайёҳларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида чет эллик мутахассислар билан фикр ва тажриба алмашилади, халқаро ҳамкорлики ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

— Туризм юқори даромад келтирадиган ва тез ривожланадиган соҳа, — деди вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси бўлим бошлиғи Насима Аҳмедова. — Бугунги



кунда Ўзбекистон хорижий сайёҳлар учун сеvimли туристик масканга айланиб қолди. Энди "мамлакатимизни кўриш ва яшаб қолиш" иштиё-

қадаги сайёҳлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2012 йилда юртимизда 50 дан ортиқ хорижий мамлакатдан 1 миллион 895 минг чет эл

фуқароси ташриф буюрган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 2 миллион 69 мингга етди.

Халқаро кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон

нинг сайёҳлик салоҳияти, бой маданий мероси, миллий таомлари, қадриятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишмоқда. Айниқса, катта

кўргазма залида хунарамандлар шаҳарчаси ташкил этилган иштирокчилар диққатини тортиди.

(Давоми 2-бетда).

Эхтиром

Инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти яхши кунлар, эзгу амаллардан иборат. Шукрим, бу неъматлардан бебаҳра эмасмиз — яқинда энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 23 йиллиғи кенг нишонланди, янги ўқув йили барча илм толибларини хушнуд этди. Бу яхши кунларга зиёкор ўқитувчи, мураббий ва устозлар байрами улаиб кетди. Ҳозирги даврнинг энг тансиқ неъмат — тинчлик, оқсоқиллик, фаровонлик учун қутлуг Қурбон ҳайити кунларида шукроналар келтирдик, бир-биримизга самимий тилакларимизни изҳор этдик.

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ



Устоз-ўқитувчи, мураббийларнинг касб байрами муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг табриғи, эзгу ниятлари энг шарафли, энг масъулиятли касб эгаларига улкан маънавий рағбат, кўтаринки кайфият бахш этди. Ўқитувчиларнинг "ҳеч нарса билан ўлчаб, киёслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнати" — ни қадрлаб, умумхалқ

байрами даражасида нишонланаётганини эса эзгулик тантанаси дейиш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими бошқармаси Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" саройида ўтказган байрам тадбири

(Давоми 2-бетда).

Даврон АҲМАД
олган сурат.

КОМБИНАТДА ЯНА БИР ЦЕХ

"Ўзметкомбинат" корхонасида янги қувватлар ишга тушмоқда. Иссиқлик сақловчи материаллар тайёрлаш цехи қурилиши маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган навбатдаги истиқболли лойиҳалардан бири бўлди. Бунинг учун Россиянинг ҳудудий савдо компанияси билан ҳамкорлик қилинмоқда.

— Янги цех биноси қуриб битказилди, — деди қурилиш-монтаж трести бош муҳандиси Давлат Дўсматов. — Ҳозир хом ашёни қайта ишлаш печи, шамолатиш ва трансформатор биноси қуриллапти.

Келгусида цех иссиқлик сақловчи қурилиш материалларига эҳтиёжни қондиради. Йилига 10 минг 500 тоннага яқин "вата", "плита", "мат" ишлаб чиқариладиган цехда 140 та иш ўрни яратилади.

Феруза ТўРАЕВА.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

«ДЕНТАФИЛ ПЛЮС»НИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Зангиоталик Комилжон Косимов дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Дентафил плюс" корхонаси фаолиятини йўлга қўйганига тўрт йилдан ошди.

Тадбиркор ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун мутахассислар томонидан кўп бор синалиб, яхши самара берган усулдан фойдаланди. Асосий эътиборини замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш, дори сифатини яхшилаш, рақобатбардорлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмининг кўпайтириш, экспортни кенгайтиришга қаратди. Натижада ўтган йили бу ерда тайёрланган дорининг бир қисми — қарийб 150 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.



Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастурий-амал бўлмоқда.

— Ўтган йилда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи 17 турдаги дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди "Дентафил плюс" раҳбари К. Косимов. — Уларнинг кичи хили болалар тиббиётини кенг фойдаланиладиган малҳамлардир. Асосан валоюта ҳисобига хориждан келтириладиган бу муолажа воситаларини

катта ҳажмда тайёрлашни йўлга қўйганимиз мамлакатимиз фармацевтика саноатида муҳим янгилик бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоятдаги кўплаб, жумладан, "Дентафил плюс" ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологиялар татбиқ этилди.

Бунинг самарасида маҳсулот сифати ва қадоклаш дизайни янада

яхшиланди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот сифати ва самарадорлиги ошди. Ишчи-хизматчиларга қатор қулайликлар яратилди, сарф-харажатлар сезиларли даражада қисқарди.

Бугунги кунда "Дентафил плюс" да юз нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Улар йигирма турдаги дори воситаларининг 110 хилини тайёрлаб, доимий мижозларга етказиб бераётир.

Тумандаги тиббиёт коллежини битирган Ибодат Воҳидовнинг "Дентафил плюс" жамоаси сафига қўшилганига кўп бўлгани йўқ.

— Бу ердаги олтинга, кимё ҳамда микробиологик лаборатория-

лар энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди у. — Маҳсулотлар инсон ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ бўлгани учун барча ишни масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, "устоз-шоғирд" аънанеси асосида олиб бормоқдамиз.

Жорий йилда мазкур корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида иккита йирик лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун қиритилган сармоя "Дентафил плюс"нинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш ва янгилаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмининг янада оширишга йўналтирилди.

Ў.А.

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

НОСОЗЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

ри тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, таълим-тарбия масканларини куз-қиш мавсумига тайёрлашни такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент вилоятида мазкур ҳужжат ижроси доирасида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим масканлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус

мактаб интернатларни қиш мавсумига шай ҳолга келтириш ишлари давом этмоқда. Таълим масканларининг бинолари, улардаги муҳандислик-коммуникация тизимлари, иситиш тармоқларини таъмирлаш ва янгилаш, кўмир жамғаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

— 137 таълим муассасасининг томи, ички иситиш тизими жорий таъ-

мирланди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Убайдулла Парпиев. — Улардаги синган ойналар алмаштирилиб, аънавий лампочкалар тежамкор лампаларга ўзгартирилди. Бир юз элликка яқин қозон ва қозонхоналари жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу борадаги иш-

лар давом этмоқда. Вилоятдаги таълим муассасаларининг бир юз элликка яқини марказий иссиқлик тизимига уланган. Бир минг саксонти локал қозонхоналар орқали иситилади. Айни кунларда ана шу тизимларда аниқланган носозликлар бартараф этилмоқда.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
Ў.А. муҳбири.



Сайлов — 2014

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади.

БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУҶЖАТЛАР ТОПШИРДИ

Шу билан бирга, сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг партияни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш жараёни яқунланди. Хар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг қамиди қирқ мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмаси-

да тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим.

6 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят сайлов комиссиясида

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Маълумки, шу йил 21 декабрда мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига асосан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят Кен-

гашлари Халқ депутатлари вилоят Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун рухсат сўраб, тегишли ҳужжатларни вилоят сайлов комиссиясига топширди.

Вилоят сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган муддатда партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ва бу қарор матбуотда эълон қилинади.

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ ЁРИТИЛАДИ?

Оммавий ахборот воситалари сайловлар эркин ва демократик тарзда ўтишига хизмат қилади. Сайловчиларни сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловдаги дастури ва сайлов жараёни ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари билан таъминлаш лозим. Шунда улар муносиб номзодни танлаб овоз бериш имконига эга бўлишади.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фуқароларни умумий ҳабардор қилиш ва ушбу сиёсий тадбирдаги фаоллигини, бир сўз билан айтганда, мазкур

жараённинг демократик асосларда ўтишини таъминлашнинг муҳим бўлигини. Сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, жараёнларнинг адолатли ҳамда қонуний кечишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган.

(Давоми 2-бетда).

тўғатди. Ажабланиб қайтсам, ёнимдаги кишининг қайтимини менга бериб юборган экан. 500 сўми қайтариб бердим. Ўзим эса 200 сўм билан бир кути гугурт олдим.

Ўзини Одил Қурбонов деб таништирган ҳайдовчининг айтишича, қайтим масаласи муаммога айланибди. Шу сабаб ҳар куни йўловчилар билан жанжаллашаётганга тўғри келаркан.

— Бу нарсга фақат транспортдамас, айрим дўконларда ҳам дуч келаямиз, — деди. — Қайтимга рўзгорлар ашелар эмас, нақд пул олган яхши-да...

Бу ҳақда Олмалик шаҳар транспорти ва савдо ташкилотлари раҳбарлари ўйлаб кўрсалар бўлар экан.

Даврон АХМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
давоми



